

Усмонли адабиётини оз-моз ўкуганлар, унинг билан бир даража ошно бўлганлардан кайси бириси бу исми билмайди, кайси бириси муни танмайди.

Усмонлиларнинг «адабиёти жадида» (янги адабиёт)чиларининг пир ва устози бўлган Тавфик Фикратбек бутун янги насл туркларнинг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари қадамишдир. Унинг кенг хаёли равон (тез) ва енгил ифодаси кимни, кайси бир шеър ва адабиёт муҳибини тасхир этмас? Хусусан унинг «Рубоби шикаста» (синик дутор)си, ундаги баланд ва латиф йўллар нақадар жозибали ва завкли нарсалардир!

Тавфик Фикрат «Рубоби шикаста»си ила қанча танилган бўлса, унинг ила қанча нафосат суювчиларни ўзига мафтун этган бўлса, «Тарихи қадим»и, у дахшатли фарёди ила одамларнинг қалбинда буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтирмишдир. «Тарихи қадим» «Рубоби шикаста»дай эмасдир: «Рубоби шикаста» дунё кўрмишдир, матбаъда темирлар орасинда қисилмиш, қозон бетларинда неча минг нусха қосилмишдир. Лоқин, «Тарихи қадим» махфийдир, қўлдан қўлга қўчирилуб, ёзилуб юргизиладурган нарсадир. У тарихнинг жиноятлари қабир сирлидир, ҳар қимга «мана мен!» деб қўруна бермас. Уни қосдириш мумкин бўлмади. У олий фикрлар бечора Шарқнинг қўҳна, қирик миясига қигмади; қабун, ёзилган шарқлининг қенг қалбинда жой топа олмади; бир вақтлар. Умар Хайёмнинг энг ақил ва дахшатли фикрларига қайдон берган Шарқ муҳити, асорат ва қуллик остинда шу қадар ёзилмишдики, қуни, бу қийматли асарни ўзига қигдира олмади... Ёҳтимол, энди Шарқнинг четлар султонидан қутулуб ҳақиқий инқилобга яқинлашуб қелаётган вақтларида буюк шоирнинг улуг фиклари дунё юзи(ни) кўрса...

Тавфик Фикратбек ўзининг бу буюк руҳи ила, у:

Дин шаҳид истар, осмон қурбон, Яна қон, ҳар тарафда қон, қон, қон!

(«Тарихи қадим»)

деган, қонга, зулмга, жиноятга қарши қўпурган жони ила — бу жиноят уяси бўлган «ёски дунё»да зўрга-зўрга тоқат қилуб қидаб турди. Охирида, у неча миллиён қуноҳсиз

жонларни ютуб, кўб мамлакатларни вайрон килуб келган «маданият уруши» (Оврупо мухорабаси)дан сўнг чидай олмади; одамлар у вахший «хайвон»лар ичиндан чикди. Истанбулнинг бир чекасида, бир жаъра гўшада 1—2 йил ёлгиз бошига дарвешлардай умр ўтказди. Охирда Оврупо «ўлум машинаси»нинг энг тезлаган вахшат оташининг энг кизигон бир вақтида кетди тинч, рохат дунёга кетди.

Бу «вахшатобод»ни тарк этди.

Энди унинг кабри бутун усмонли ёшларнинг зиёратгохидир. Дунёнинг вахшатиға ўч, лекин ўзи каби дарвешлардан бири, файласуф дўктур Ризо Тавфик унинг кабрини зиёратига боруб кабри устинда айтадир: (босилмаган асарлардан).

ФИКРАТНИНГ КАБРИНДА

*Дейдиларки, эссиз колан тирбангда Вахший гуллар очмиш, кўрмая келдим; У бог
жаннатинг хокина банда,
Хасрат-ла юзимни сурмая келдим!
Дейдиларки, сенга амал боглаян
Кабрингда диз чўкуб бир дам оглаён
Бир мурод ўлурмиш, банда бир замон
Оглаюб мурода эрмая келдим!
Шу хижрон йилининг сўнг бахоринда
Чолалар титраган чаманзоринда
Кун бугмазди банда мозорингда,
Мотам чечаклари дермая келдим!
Сени онгдим бутун гам чеканлар-ла
Ишк хак ўгринда ёш дўканлар-ла
Соригинча вайрон шу деганлар-ла
Тошингга бир чаланг урмая келдим!
Ёдинг ўлум каби бир сир мубхам
Нашъа шу долли бу хис исм.
Рухимда на фусун айладинг илхом*

Бу кун сенга кўнгул вермая келдим!

Шундай килиб, улуг бир шоир дунёдан кетди. Уни билганлар йиглаб колдилар, билмаганлар — яна илгаридай.

Дунёнинг вахшатлари бўлса яна ҳамон давом этмакда, мазлумлар инкилобигина нихоят бермаса бошка мажот кўрилмайдир.

Рохат, масъуд ёт кабрингда эй улуг пир!..

Мархум Тавфик Фикрат. — «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 10 январь сониде босилган.

Тавфик Фикрат (1867—1915) — турк шоири, журналист. Асарлари 1894 йилдан чоп этила бошлаган. Ўша вақтда адабний марказ вазифасини ўтаган «Сарвати фунун» («Билимлар хазинаси») журнали унинг мухаррирлигида чикиб турган. 1908 йил инкилоби Тавфик Фикратнинг идеалига мос келмаган, журналистикадан йироклашган.

«*Рубоби шикаста*» — шоирнинг 1899 йилда нашр килинган шеърий тўплами.

«*Тарихи кадим*» — шоирнинг фалсафий-ижтимоий карашларини ифодаловчи достони.

Тасхир — сеҳрламок, бўйсундирмок.

«Маданият уруши» — биз Биринчи жахон уруши деб атайдиган уруш Туркистонда чиккан газеталарда «Европа мухорабаси» деб юритилган. Чўлпон «маданият уруши» дея урушни кўзгаган «маданиятлилар»га аччик киноя килади.

«Ўлим машинасининг энг тезлаган» вакти — Биринчи жахон уруши авж палласига кирган вақт, образли ифода. Тавфик Фикрат уруш айна кизиган 1915 йилда вафот этган.